Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 148 (7288). ● 2 август, 1980 йил ▲ ● ШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА



Л. И. Брежневнинг Э. Герек билан учрашуви. ТАСС махсус мухбири В. Мусаэльян телефотоси.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Совет Иттифоқида дам олаётган ПБИП Марказий Комитети Биринчи секретари Э. Герек билан 31 июлда Қримда учрашди.

Л. И. Брежнев билан Э. Герек ўз мамлакатларидаги ишларнинг аҳволи тўғрисида, ҳозирги вақтда КПСС билан ПБИП ҳал қилаётган проблемалар тўғрисида бир-бирларига ахборот бердилар.

Суҳбат иштирокчилари иккала қардош партиянинг биргаликда қилаётган сиёсий ҳаракатига юксак баҳо бердилар. Бу Совет Иттифоқи билан Польша халқларини бир-бирларига янада яқинлаштиришга, улар ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни доимо кенгайтиришда ҳаракатлантирувчи куч бўлиб хизмат қилади.

Кейинги вақтларда тузилган битимларга мувофиқ келгуси беш йилликда электрон саноатида, самолётсозлик, кемасозликда ва экономиканинг бошқа етакчи тармоқларида кооперация ва ихтисослаш янада ривожланади. Ҳар иккала мамлакат халқ хўжалигининг энергияга бўлган эҳтиёжини қондиришга ёрдам берадиган катта-катта лойиҳалар биргаликда ишлаб чиқилади. Совет—Польша товар оборати ундан бир қисмдан ҳам кўпроқ миқдорда ўсади.

Л. И. Брежнев ва Э. Герек ўртоқлар ихтисослаш ва кооперативлашнинг узоқ муддатли программасини аниқ ва ўз вақтида бажариш устидан, Совет Иттифоқи ва Польшанинг илмий потенциалидан ҳар икки томоннинг манфаатлари йўлида самаралироқ фойдаланиш устидан назорат қилиш чораларини кўриш зарур эканлигини таъкидладилар. СССР билан ПХР ўртасидаги иқтисодий алоқаларда, жумладан, енгил ва озиқ-овқат саноати соҳасидаги иқтисодий алоқаларда мавжуд резервларни ишга солиш муҳим вазифадир.

Учрашув иштирокчилари халқаро аҳволни муҳокама қилиб, қуроллаиш пойгаси яна кучайтириладими ёки йўқми, деган масала ҳозирги вақтда амалда ҳал бўлаётганлигини уқтириб ўтдилар. Иккинчи жаҳон урушида айниқса энг кўп қурбон берган Совет Иттифоқи билан Польша социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар билан биргалашиб, ҳарбий хавфнинг кучайишига йўл қўймаслик учун ўзларига боғлиқ бўлган ҳамма чораларни кўрмоқдалар. Ракета-ядро қуролларининг тўхтовсиз ўсишига йўл бермаслик—Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар сиёсий маслаҳат комитетининг май ойида Польша пойтахтида бўлиб ўтган кенгашида қабул қилинган декларациянинг асосий мазмуни шундан иборат. Шу ақл-идрок овози ва эзгу ниятлар Ғарбда тегишли акс-садо топиши, Европада ва бутун дунёда вазиятни соғломлаштириш йўлидаги имкониятлар қўлдан бой берилмаслиги муҳимдир.

Социалистик ва капиталистик мамлакатлар раҳбар арбобларининг кейинги вақтларда бўлиб ўтган учрашув ва музокаралари кескинликни юмшатиш ишн дуч келган қийинчиликларни бартараф этиш мумкин эканлигидан далолат бермоқда. Аммо бунинг учун томонлардан биронтаси вужудга келган ҳарбий кучлар тенглигини бузишга уринмаслиги керак. Бундай уринишлар беҳуда ва фақат халқаро вазиятни янада чигаллаштиришга олиб келиши мумкин.

Учрашув иштирокчилари фаластин халқининг миллий ҳуқуқлар учун, шу жумладан, ўз давлатини тузиш учун олиб бораётган фидокорона курашини ҳамиша қўллаб-қувватлаяжакла рини таъкидладилар. Улар Яқин Шарқдаги можарони адолатли тарзда ҳал этиш талаблари яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеяси қабул қилган махсус мўътабар резолюцияда ифодаланганлигини маъқуллаш билан қайд қилдилар.

Л. И. Брежнев билан Э. Герек халқаро коммунистик ҳаракатнинг муҳим проблемалари тўғрисида фикрлашиб олдилар. Бунда тинчлик ва социал тараққиёт учун курашда коммунистларнинг, шунингдек бошқа прогрессив ва тинчликсевар ижтимоий-сиёсий оқимларнинг биргалашиб ҳаракат қилиши тобора катта аҳамият касб этаётганлиги таъкидланди.

Икки қардош партия раҳбарларининг учрашуви самимият ва тўла ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди.

(ТАСС).

ХАЛҚАРО ЭКИПАЖНИНГ УЧИШИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТУГАДИ

КОСМОНАВТЛАР ВИКТОР ГОРБАТКО БИЛАН ФАМ ТУАН ЕРГА ҚАЙТИБ ТУШДИЛАР

ТАСС АХБОРОТИ

Икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт учувчиси Виктор Васильевич Горбатко билан тадқиқотчи космонавт, Вьетнам Социалистик Республикасининг Қаҳрамони Фам Туандан иборат составдаги халқаро экипаж «Салют-6» — «Союз-36» — «Союз-37» орбитал илмий-тадқиқот комплексининг ичида мўлжалланган биргаликдаги ишлар программасини муваффақиятли бажаргандан кейин 1980 йил 31 июль куни Москва вақти билан соат 18 дан 15 минут ўтганда Ерга қайтиб тушди.

Космонавтлар Попов ва Рюмин ўртоқлар «Салют-6» станциясида ишни давом эттирмоқдалар.


«Союз-36» космик кемасининг тушириладиган аппарати Совет Иттифоқининг белгиланган районида—Жезқазғондан 180 километр жанубий-шарқда Ерга қўнди.

Горбатко ва Фам Туан ўртоқлар қўнгандан сўнг ҳам ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар.

Попов, Рюмин, Горбатко ва Фам Туан ўртоқлар «Салют-6» — «Союз-36» — «Союз-37» орбитал комплексининг ичида биргаликда учиш чоғида Совет Иттифоқи ва Вьетнам мутахассислари, бошқа социалистик мамлакатларнинг олимлари иштирокида тайёрланган бир қанча технологик ҳамда медицина-биологик тадқиқотлар ва экспериментларни бажардилар. Халқаро экипаж табиий ресурслар ва атроф-муҳитни ўрганиш программасига мувофиқ Ер юзини, шу жумладан, Вьетнам территориясининг айрим райсаларини оддий кўз билан кузатди ва фотосуратга олди. Космонавтлар экипажларининг бундан аввалги учишларида «Интеркосмос» программасида қатнашувчи мамлакатларнинг мутахассислари яратган илмий аппаратлардан фойдаланиб бошлаган экспериментларни ҳам давом эттирдилар.

«Салют-6» — «Союз» орбитал комплексида кенг кўламдаги тадқиқотлар программасининг бажарилиши янгидан-янги маълумотлар олишга имкон бердики, ундан халқ хўжалиги манфаатлари ҳамда космик фан ва техникани янада ривожлантириш йўлида фойдаланилади.

Муваффақиятли ниҳоясига етказилган космик учиш Совет Иттифоқи билан социалистик Вьетнам ўртасидаги илмий ва техникавий алоқалар янада ривожланаётганлигидан яққол далолат беради, космосни тинч мақсадларда ўзлаштириш ва ундан фойдаланишда социалистик мамлакатлар олимларининг самарали ҳамкорлигига янги бир ёркин мисолдир.



Космонавтлар В. Горбатко ва Фам Туан (чапда) ерга қайтгандан сўнг. А. Пушкарев фотоси. (ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ИККИ МАРТА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ, СССР КОСМОНАВТ УЧУВЧИСИ ЎРТОҚ В. В. ГОРБАТКОНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Салют-6» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексида космик парвозни муваффақиятли амалга оширганлиги ва бунда мардлик ҳамда қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт учувчиси ўртоқ Виктор Васильевич **Горбатко Ленин** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1980 йил, 31 июль.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ВСР ГРАЖДАНИ, ТАДҚИҚОТЧИ КОСМОНАВТ ФАМ ТУАНГА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

«Салют-6» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексида космик парвозни муваффақиятли амалга оширганлиги ва бунда мардлик ҳамда қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун ВСР граждани тадқиқотчи космонавт **Фам Туанга Совет Иттифоқи Қаҳрамони** унвони берилиб, **Ленин** ордени ҳамда **«Олтин Юлдуз»** медали топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1980 йил, 31 июль.

КОСМОНАВТЛАРГА ВСР МУКОФОТЛАРИ

ВСР Миллат мажлисининг доимий комитети СССР космонавт учувчиси, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. В. Горбатков Вьетнам Социалистик Республикасининг Қаҳрамони унвонини бериб, «Олтин юлдуз» медалини топширишга ва тадқиқотчи космонавт, Вьетнам Социалистик Республикасининг Қаҳрамони Фам Туангa иккинчи «Олтин юлдуз» медалини топширишга қарор қилди. Шу муносабат билан ВСР президенти вазифасини ижро этувчи Нгуен Хиу Тхонинг тегишли фармонлари қабул қилинди.

Космонавтлар «Салют-6» — «Союз» илмий-тадқиқот орбитал комплексида Совет — Вьетнам космик парвози давомида топширинги намунали бажарганликлари ва бунда мардлик ҳамда қаҳрамонлик кўрсатганликлари учун мукофотландилар.

(ТАСС).

ИЛМИЙ—АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Кеча Тошкент область партия комитетида «КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисида»ги қарори асосида 1980 йил ҳосилини теришда пахтакорлар социалистик мусобақаси самарадорлиги ва ошкоралигини ошириш йўллари» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Конференция қатнашчилари Тошкент область партия комитетининг секретари А. М. Хўжаевнинг «Социалистик мусобақани ташкил этишнинг ленинча принциплари ва КПСС Марказий Комитетининг қарори асосида 1980 йил ҳосили теримида унинг самарадорлигини ошириш вазифалари тўғрисида»ги докладини тинглаб, муҳокама қилдилар.

Конференция қатнашчилари 1980 йил ҳосили теримида пахтакорлар социалистик мусобақаси самарадорлигини ва ошкоралигини ошириш юзасидан тавсиялар қабул қилишди.

(Конференция ҳақидаги батафсил ҳисобот газетамизнинг келгуси сонида эълон қилинади).

МУНОСИБ СОВҒА БИЛАН

Пискент районидаги Вахрушев номли узумчилик ва богдорчилик совхоз-заводи коллективи КПСС XXVI съезди шарафига муносиб меҳнат совғалари тайёрлаш учун барча имкониятларни ишга солянти. Ҳозирги пайтда хўжаликда боғ ва токзорлар ҳосилини йиғиштириб олиш қизғин давом этмоқда. Шу билан бир қаторда завода мева ва узум қабул қилиш, уларни қайта ишлаш бошлаб юборилган. Бу ерга совхоз боғларида етиштирилган шунингдек, Пискент районининг бошқа хўжаликлари, Ўрта Чирчиқ ва Бўка районларидан қайта ишлаш учуи мева ва узум келтирилади. Корхона коллективи ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида пландаги 800 тонна ўрнига 900 тонна олма, 2120 тонна ўрнига 2400 тонна узум қабул қилиб олишни мўлжаллаган.

Шу йилнинг биринчи ярмидаёқ хўжаликлардан 680 тоннадан кўпроқ олма қабул қилиб олинди. Бу соҳадаги топшириқ яқин кунларда бажарилиши кўзланяпти. Заводда узум қабул қилиб олишга ҳам ҳамма нарса тахт қилинган.

Корхона коллективи ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини кўпайтириш, сифатини яхшилаш чораларини кўрмоқда. Жумладан, бу йил «Пискент», «Ғазалкент», «Мадера» винолари тайёрлаш белгилаб қўйилди.

Съезд шарафига авж олган мусобақада коммунистик меҳнат зарбдори В. Ивашкевич, Ў. Ортиқов, С. Мелитов, Б. Бекировлар пешқадамлик қилаётирлар. Улар смена топшириқларини анча оширнб бажаришга эришишяпти.

Т. НАЖМИН.

«СИФАТ БЕЛГИ»ЛИ ДАЛАЛАР

Кечки пайт. Катта йўл ёқасидаги пахтазорларда ҳамон иш қизғин. Далада тракторларнинг нъараси эшитилади. Нариги пайкалда эса шўх қизларнинг кулгилари жаранглайди. Кетмонини елкасига қўйган сувчи эгатлар орасига бир меъёрда жилдираб оқаётган оби-ҳаётга қараб мамнун жилмаяди.

Бригада бошлиғи Аҳмад Душабоев пахтакорларнинг шу кунларда амалга ошираётган ишлари ҳақида завқланиб гапира бошлади.

— Ғўзани культивация қилиш, маҳаллий ўғитлар билан озиқлантириш ва суғориш ишлари талаб даражасида олиб бориляпти. Чаңқаган ғўза, культивация кеч ўтказилган пайкал йўқ. Бригадамизнинг 16 аъзоси ғўзаларга кечаю кундуз сув қўйиш билан банд. Ҳаво иссиқ келган бу йилги шароитда ғўзани ўз вақтида суғориш катта аҳамиятга эга. Сал чаңқаган ғўза шонасини ташлаб юборади, гулк тепасига уради.

Бригада аъзолари 140 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил олиб, 700 тонналик хирмон кўтариш билан КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олишга ваъда берган. Далаларда барқ уриб ривожланаётган, кун сайин кўсаклар сони кўпайиб бораётган ғўзалар бригада коллективининг аҳдга яраша меҳнат қилаётганидан далолат беради. Бригаданинг аксарият майдонларидаги «Сифат белги»лари ҳам пахтакорлар маҳоратини кўрсатиб турибди. Ф. Ҳайдаров, А. Абдуғаффоров, Ш. Исмоилов каби дала гвардиячилари, Ш. Ўрозалиева, А. Ғаффорова, О. Саидганиева сингари колхозчилар мўл ҳосил етиштиришда фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Ҳ. ШОЗАДАҚУЛОВ,
Бўка районидаги «Партия XIX съезди» колхози.

ҒОЛИБ БУНЁДКОРЛАРГА МУКОФОТЛАР

Қурилишда бригада пудратини самарали қўллаш ва кенг ёйиш бўйича социалистик мусобақа боғлашга шартнома тузган қурилиш-монтаж ихтисослашган трестлар, уйсозлик комбинатлари ва хўжалик ҳисобида ишловчи бригадалар ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилини юксак кўрсаткичлар билан тугаллаш ва КПСС XXVI съезди ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш учун меҳнат беллашувини авж олдириб, областдаги муҳим объектлар қурилишида янги муваффақиятларни қўлга киритдилар.

1980 йилнинг биринчи ярмида область қурилиш трестлари 208,8 миллион сўм давлат капитал маблағларини ўзлаштирдилар, ўз кучлари билан 215 миллион 188 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажардилар, шу жумладан 119 миллион 840 минг сўмлик иш бригада пудрати усулида амалга оширилди. Бу, жами қурилиш-монтаж ишлари ҳажмининг 55,7 процентини ташкил этади. 1980 йилнинг яккинчи квартали якунлари бўйича «Ўзэлектромонтаж», «Ташкентводстрой», «Ўзбекшахтострой» трестлари, 1-уйсозлик комбинати ва бошқа коллективлар юксак кўрсаткичга эришдилар. Шунингдек, В. М. Шикин, Н. Й. Жбанов, В. И. Родионов, А. А. Борисов ва бошқа ўртоқлар бошлиқ бригадалар коллективлари ҳам юқори натижаларни қўлга киритишди.

Ўзбекистон КП область комитети ва область касаба союзлари Совети қурилиш-монтаж, ихтисослашган трестлар, уйсозлик комбинатлари ва хўжалик ҳисобидаги бригадаларнинг қурилишда бригада пудратини кенг ёйиш ва ундан самарали фойдаланиш бўйича мусобақаси якунларини кўриб чиқиб, қарор қабул қилдилар.

Қурилишда бригада пудратини кенг ёйиш ва ундан самарали фойдаланиш бўйича мусобақада қуйидаги коллективлар ғолиб деб топилди.

— «Ўзэлектромонтаж» трести (бошқарувчиси А. И. Клеблеев, партия ташкилотининг секретари И. В. Люцкан, қурилиш касаба союз комитетининг раиси У. С. Мирисаев ўртоқлар). Бу коллектив умумий қурилиш-монтаж ишларининг 60,4 процентини бригада пудратн усулида амалга оширган, иш таннархини 21,6 процент камайтирган ва хўжалик ҳисобидаги бригадаларда ишлаб чиқариш планини 121,3 процент бажарнштан;

— «Главташкентстрой»нинг 1-уйсозлик комбинати (бошлиғи Э. Р. Рустамов, партия ташкилотининг секретари В. В. Ерхов, қурилиш касаба союз комитетининг раиси М. А. Абдуллажонов ўртоқлар). Бу коллектив умумий қурилиш-монтаж ишларининг 80,7 процентини бригада пудрати усулида амалга оширган, иш таннархини 7,5 процент камайтирган ва хўжалик ҳисобидаги бригадаларда ишлаб чиқариш планини 104 процент бажаришга эришган;

— Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Госкомводстройнинг «Ташкентводстрой» трести (бошқарувчиси А. П. Дулин, партия ташкилотининг секретари Ф. И. Хусниддинов, қурилиш касаба союз комитетининг раиси Т. Ю. Йўлдошев ўртоқлар). Бу коллектив умумий қурилиш-монтаж ишларининг 50,7 процентини бригада пудрати усулида амалга оширган, иш таннархини 19,1 процентга камайтирган ва хўжалик ҳисобидаги бригадаларда фойда олиш планини 105 процент бажарнштан;

— В. М. Шикин бригадаси («Главташкентстрой»нинг 6-трестига қарашли 33-қурилиш бошқармаси). Бригада коллективи ишлаб чиқариш планини 164 процент бажарган ва иш таннархини 8,4 процентга камайтиришни таъминлаган; Н. И. Жбанов бригадаси (Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги 160-трести 277-кўчма механизациялашган колонна). Бу коллектив ишлаб чиқариш планини 116,7 процент бажарган ва иш таннархини 1,2 процентга камайтиришни таъминлаган.

— В. И. Родионов бригадаси (Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги «Ўзэлектромонтаж» трестининг Чирчиқдаги монтаж бошқармаси). Бу бригада коллективи ишлаб чиқариш планини 105,7 процент бажарган ва иш таннархини 2,7 процентга камайтирган.

Социалистик мусобақада ғолиб чиққан трестлар ва 1-уйсозлик комбинати Ўзбекистон КП область комитети ва область касаба союзлари Советининг дипломлари билан мукофотланади. Шунингдек, уларга ишлаб чиқариш илғорларига сотиш учун биттадан енгил автомашина ажратилади.

Ғолиб бригадалар коллективлари Ўзбекистон КП область комитети ва область касаба союзлари Советининг кўчма вимпеллари билан мукофотландилар. Шунингдек, ҳар бир бригадага иккитадан Совет Иттифоқи бўйлаб бепул туристик йўлланмалар ажратилади.

ИЙЛЛИК ПЛАН — 7 НОЯБРГАЧА

ТАШАББУС ИЗДОШЛАРИ

МОСКВАЛИК илғор саноат корхоналари коллективларининг ватанпарварлик ташаббусига қўшилган шаҳримиздаги Агрегат заводининг ишчи ва хизматчилари йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани тобора авж олдирмоқдалар.

КПСС XXVI съезди шарафига кенг қулоч ёзаётган бу мусобақада 10-цехнинг Ф. Кашфиев, 3-цехнинг Ҳ. Прохоров бошчилигидаги бригадалар, айниқса, юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Улар бошлиқ коллективдаги кунлик нормани 100—120 процентга етказиб бажаришмоқда.

— Бизнинг участкамиз, — ҳикоя қилади 3-цехнинг 2-участкаси бошлиғи Ҳаким Прохоров, — Т-28Х4 тракторлари учун орқа ва олд кўприкларни ишлаб чиқаради. Участкада 15 киши ишлайди, буларнинг ҳаммаси кунлик нормаларни оширнб бажаришмоқда. Биз Улуғ Октябрнинг 63 йиллиги байрамигача йиллик планни бажаришга аҳд қилганмиз. Айни кунларда бу мажбуриятни шараф билан адо этишга барча куч ва имкониятлар сафарбар қилиняпти.

А. ҒУЛОМОВ.

• БЕШ ЙИЛЛИККА—ЗАРБДОР ЯКУН • АВГУСТ ОЙИДА ҲОСИЛГА-ҲОСИЛ ҚЎШАЙЛИК
• ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИГА ҲАММА НАРСА ШАЙ БЎЛСИН

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАРГА ТАЙЁРГАРЛИК

ЖИДДИЙ СИНОВ ОЛДИДАН

Партия группалари ва цех партия ташкилотлари ҳаётида масъулиятли давр бошланяпти. Улар коммунистлар олдида ўтган бир йил давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисоб берадилар.

Партия группалари ва цех партия ташкилотларида ҳисобот ва сайлов йиғилишлари бутун совет халқи ўнинчи беш йилликнинг сўнгги йилини меҳнатда юксак зафарлар билан нишонлаётган, КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун курашаётган бир пайтда бошланаётганлиги диққатга сазовордир. «Съезд арафасидаги ҳисобот-сайлов кампанияси, — деган эди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумида қилган докладида, — партия турмушидаги алоҳида давр, одий даражадаги масъулиятли даврдир».

Ҳисобот ва сайлов йиғилишлари барча коммунистлар зиммасига масъулиятли вазифаларни юклайди. КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш борасида қилинган ишлар таҳлили, навбатдаги съездни кутиб олишда сиёсий ва меҳнат активлигини оширишда коммунистларнинг роли бу йиғилишларнинг бош мезони бўлиб қолади.

Районимиз партия ташкилотларида ҳисобот ва сайловларга қизғин тайёргарлик бошлаб юборилди. Мавжуд 44 та партия группаси ва 113 та цех партия ташкилотлари ҳисобот ва сайлов кампаниясини юксак уюшқоқлик билан ўтказиш учун қатор тадбирларни кўрмоқдалар. Бу соҳада ўтказилаётган семинар машғулотлари ролини алоҳида таъкидлаш керак.

Шундай семинарлардан бири яқинда «Партия XXII съезди» колхозида бўлиб ўтди. Унга «Ленинобод», Вотинцев номли, «Коммунизм» колхозлари партия группалари ташкилотчилари, цех партия ташкилотларининг секретарлари таклиф қилинди.

Семинарда район партия комитетининг инструктори А. Маъдиев партия группаларида ва цех партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов кампаниясига тайёргарлик кўриш ва уни юксак кўтаринкилик руҳида ўтказиш учун амалга оширилиши керак бўлган тадбирлар тўғрисида гапирди. Партия группаси ташкилотчилари, цех партия ташкилотлари секретарлари ҳам бу соҳада тўпланган тажрибаларини ўртоқлашдилар.

— Партия группаларида ҳисобот ва сайлов йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш соҳасида, — деди Вотинцев номли колхоз партия группаси ташкилотчиси М. Ортиқова, — биз махсус план ишлаб чиқдик. Группада ҳисобот ва сайлов йиғилиши қачон ва қаерда бўлиши, унинг кун тартиби коммунистларга махсус таклифномалар орқали маълум қилинади. Ҳар бир коммунистга партия йиғилишини уюшқоқлик билан ўтказиш учун конкрет топшириқлар берилмоқда. Докладда партия группаси аъзолари фаолиятига тўлиқ баҳо берилади. Коммунистларимиз чорвачилик фермасида меҳнат қилаётганликлари муносабати билан асосий эътибор чорва маҳсулотлари етиштириш кўрсаткичларига қаратилади, навбатдаги вазифалар белгилаб олинади.

Ҳамид Олимжон номли колхоз партия группаси ташкилотчиси Ж. Сайдаев ҳам бригада коммунистлари ҳисобот ва сайловларга қандай тайёргарлик кўраётганликлари тўғрисида гапириб берди. Мазкур пахтачилик бригадасида тўрт коммунист меҳнат қилмоқда. Улар ўнинчи беш йилликнинг сўнгги йилида катта ютуқларни қўлга киритишмоқда. Бригада ўтган йили 112 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 34 центнердан ҳосил кўтарган эди. Съезд олди социалистик мусобақаси кенг қулоч ёйган айни кунларда коллектив пландаги 30,6 ўрнига 50 центнердан «оқ олтин» олиш учун курашмоқда. Пахтакорларимиз ўз сўзларининг устидан чиқишларида коммунистлар ҳиссаси катта бўлаяпти. Бригадада ташкилий-партиявий, оммавий-сиёсий ишлар таъсирчанлигини янада ўстириш чоралари кўрилаяпти.

Райондаги «Ленинизм» колхозида ҳам партия группалари ва цех партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бошланиши муносабати билан семинар машғулот ўтказилди. Навоий номли колхоз, С. Сегизбоев номли, «Оққўрғон» совхозларидаги партия группалари ташкилотчилари, цех партия ташкилотларининг секретарлари семинарда ўзаро тажриба алмашдилар.

«Оққўрғон» совхозидаги партия группаси ташкилотчиси М. Ковешников партия группасининг хўжаликка раҳбарлигини янада такомиллаштириш соҳасидаги қилинаётган ишлар тўғрисида гапирди. У меҳнат қилаётган звено аъзолари ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида зиммаларига юксак мажбурият олиб, ишламоқдалар. Ўтган йили 41 центнерлик маррани эгаллаган пахтакорлар бу йил давлатга ҳар гектар ердан 51 центнердан ҳосил топширишга азму-қарор қилганлар.

Семинарлар, ўзаро тажриба алмашишлар райондаги бошқа йирик партия ташкилотларида ҳам бўлиб ўтмоқда. Район партия комитети методик совети партия группалари ва цех партия ташкилотлари секретарларига йиғилишларни олиб бориш тартиби, ҳисобот докладларини ёзиш, қарорлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича тавсиялар ва бошқа методик кўрсатмалар бермоқда. Ҳар бир партия группаси цех партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишида ўтган бир йил давомида қилинган ишларга конкрет баҳо берилиши, йиғилишлар жанговарлигини, уларда коммунистлар активлигини ошириш чоралари кўрилиши керак.

Районимиз меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети 1980 йил июнь Пленуми қарорлари ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда қилган докладидан руҳланиб, оширилган социалистик мажбуриятларни муддатдан илгари бажариш, КПСС XXVI съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун умумхалқ социалистик мусобақасини авж олдириб юборганлар. Партия группалари ва цех партия ташкилотларида бошланаётган ҳисобот ва сайлов йиғилишларида бу вазифалар яна бир карра тилга олинади. Партия ташкилотлари ҳисобот-сайлов кампаниясининг жанговарлигини ошириш, уларни юксак даражада ўтказишни энг асосий вазифа деб билмоқдалар.

А. ҚОСИМОВ,
Оққўрғон райони партия комитети ташкилий ишлар бўлимининг мудири.

ЧОЛҒУСОЗЛАР ЗАРБДОР ВАХТАДА







ТОШКЕНТДАГИ миллий чолғу асбоблари фабрикаси коллективи ишлаб чиқараётган дутор, рубоб, донра, сурнай, най, чанг ва бошқа чолғу асбоблари Ўрта Осиё халқлари ўртасида кенг шуҳрат қозонган. Ўрта Осиёда ягона бу фабриканинг маҳсулотлари чет элларга ҳам экспорт қилинмоқда. Суратларда: фабриканинг илғор пардозловчилари Холбуви Аҳмедова ва Мария Ефимова. Пешқадам мастерлар А. Абдуқодиров, Г. Ивашкин ва И. Колесников. Фақат аъло сифатли маҳсулот тайёрлаётган Валентина Дробишева ва Талъат Убайдуллаев.

И. Глауберзон фотолари.

ОЛТОЙГА ЙЎЛЛАНМА

ПОЙТАХТ областимизнинг олов қалбли минглаб комсомол-ёшлари бепоён мамлакатимиздаги ўнлаб зарбдор қурилишларда иштирок этишмоқда. Улар қаерда ишлашмасин, Тошкент область комсомол комитети берган комсомол йўлланмасига содиқ қолиб, фидокорона меҳнат қиляптилар.

КПСС XXV съезди Директиваларида таъкидланган РСФСР Ноқоратупроқ зонасини ўзлаштиришда, хусусан Иваново ва Новгород областларида, БАМда, «Атоммаш»да областимиз йигит-қизлари ғайрат-шижоат билан ишламоқдалар. Иваново ва Новгород областларидаги қурилиш-монтаж ҳамда мелиорация ишларида ўнинчи беш йилликда ўнларча миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган. Бу улкан вазифани адо этишда ўзбекистонлик комсомол-ёшларнинг ҳиссаси алоҳида ўрин эгаллайди.

Область комсомол комитети бу йилнинг ўзида Ноқоратупроқ зонага яна 200 дан ортиқ йигит-қизларни жўнатди.

Куни кеча эса комсомол йўлланмаси билан 25 йигит-қиз Олтой ўлкасига жўнаб кетишди. Улар бу ердаги ишга туширилаётган зарбдор объект — кокс-химия комбинати қурилишида иштирок этадилар.

Комбинатнинг дастлабки навбати КПСС XXVI съезди арафасида фойдаланишга топширилади.

Комсомол йўлланмаси, қалб амри билан Олтойга жўнаб кетган ёшлар орасида чирчиқлик шофёр Юрий Гайдаров, Чилонзор районидан электр пайвандчи Татьяна Горелик, Оққўрғон районидан электр пайвандчи Муса Қўзибоев, бекободлик ғишт терувчи Диловар Топузов, ангренлик токарь Владимир Бояновскийлар бор. Уларнинг ҳаммаси зарбдор объектда зарбдор меҳнат қилиб, Ўзбекистоннинг пойтахт области комсомоли деган номни шарафлашга ваъда бердилар.

Х. АЛИМОВ.

ШИЙПОНДА СУҲБАТ

ТУШЛИКДА дала шийпонига тўпланган колхозчилар ошпаз аёл тайёрлаган хушхўр маставани мақтай-мақтай тановул қилиб бўлишгач, агитатор Эрмаҳаммад Ақчабоев ўрнидан турди:

— Бугун дала ишларининг бориши, ғўза парвариши соҳасидаги вазифалар ҳақида суҳбатлашсак, нима дейсиз?

— Айни муддао, — деди бригада механизатори, район Советининг депутати Маҳаматнаби Аҳмедов.

Агитатор шошилмай сўзлай бошлади. Бригадада ғўза 4 марта комплекс ишловдан чиқарилганини, 2 марта қондириб суғорилганини айтди.

— Меҳнатимиз самараси чакки эмас, — деди Эрмаҳаммад. — Барча майдонларда ғўзалар барвақт шоналаб, текис гулга кирди. Гуллар кўсакка айланяпти. Бу яхши, албатта. Лекин баъзи колхозчиларда «ғўзамиз эртаки, авжи ҳам, ҳосил тўпланиш ҳам яхши» деган ўйда хотиржамлик кайфияти пайдо бўляпти.

Агитатор тушгача дала айланганини, айрим жойларда чопиқнинг сифатсизлиги, ғўза туплари атрофида бегона ўтларнинг қолдириб кетилганлиги юзасидан танбеҳ берганлигини айтди.

Суҳбат шу ерга келганда, агитаторнинг сўзини бригада бошлиғи Бўсинали Темиров давом эттирди.

— Бу йилги режамиз, маълумки, катта, — деди у. — Ҳосилдорликни ўтган йилдагига нисбатан 5 центнерга оширамиз. Партиямиз XXVI съездини 78 гектар майдоннинг ҳар гектаридан камида 40 центнердан «оқ олтин» етиштириш билан кутиб оламиз. Ҳолва деган билан оғиз чучимайди. Ҳозиргина агитаторимиз айтганидай, бепарволикка, хотиржамликка берилсак, кузда эл олдида берган сўзимизнинг устидан чиқа олмай, ер чизиб қолишимиз мумкин.

Бригада бошлиғи ишни область пахтакорлар Советининг матбуотда эълон қилинган тавсиялари асосида ташкил этиб, шу ойда барча майдонлардаги ғўзаларга камида 2 марта комплекс ишлов бериш зарурлигини, ҳар туп ғўзани кўз қорачиғидек авайлаш, ҳосил нишоналарининг тўкилиб кетишига йўл қўймаслик кераклигини таъкидлади...

ЭНГ ЯХШИ АГИТАТОРЛАРИМИЗ

Янгийўл районидаги Назарали Ниёзов номли колхозининг икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери коммунист Бўсинг Темиров бошлиқ 2-бригадаси пахтакорлари КПСС XXVI съездига қизғин тайёргарлик кўрилаётган йилда зўр кўтаринки руҳ билан меҳнат қилмоқдалар.

Культивация, суғориш, бегона ўтларга қарши кураш каби энг муҳим агротехника тадбирларининг бир-бирига узвий боғлиқ ҳолда сифатли ўтказилиши, экининг минерал ва маҳаллий ўғитлар аралашмасига тўйдирилиши ва «шарбат» усулида суғорилиши туфайли гулга-гул, кўсакка-кўсак қўшилаётир.

Бригадада ғўза парвариши тез ва соз ўтаётганлигида агитатор Эрмаҳаммад Ақчабоевнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Вазифасига кўра бригада сифат инспектори бўлган бу йигитни эртаю кеч далада — роҳ ғўзаларни чопиқ қилаётган колхозчилар орасида, гоҳ экин қатор ораларини ишлаётган механизаторлар, сувчилар қошида кўрасиз. Ў ҳар бир ишнинг сифатли бажарилишига алоҳида эътибор беради.

Ҳақиқий аҳволни пухта ўрганиш Эрмаҳаммадга муҳим ва масъулиятли топшириқ — агитаторликни ҳам муваффақиятли уддалаш имконини беряпти. Агитатор кундалик суҳбатларда маҳаллий ҳаётдан, бригада коллективи фаолиятидан олинган мисоллардан ўринли фойдаланади, ғўзаларни яшнатишда ўрнак бўлаётган колхозчи, сувчи, механизаторларни тилга олиш, уларнинг тажрибасини ёйиш билан бирга қолоқларни, меҳнат интизомини бузаётган, ишнинг сифатига яхши эътибор бермаётган айрим кишиларни колхозчилар ўртасида изза қилади.

— Агитаторимиз ишлаш хурсандмиз, — дейди бригада бошлиғи Б. Темиров.— Доимо биз билан бирга бўлиб, ишимизни кузатиб, ҳар жиҳатдан мадад бермоқда. Айниқса, партия Марказий Комитети июнь Пленуми қарорлари тўғрисидаги суҳбатлар бизни мамнун этди. Бригадамиз аъзолари съездни албатта янги ютуқлар билан кутиб оладилар.

М. ПЕЙСЕНОВ,
Янгийўл райони.

ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА

ДЕПУТАТЛАР ҲИММАТИ

Бўка райони пахтакорлари бу йил ўз мажбуриятларини кайта кўриб чиқиб, она-Ватанга 80 минг ўрнига 85 минг тонна «оқ олтин» армуғон этиш, ҳосилдорликни 39 центнерга етказиш учун курашмоқдалар. Бу курашда маҳаллий Советларнинг депутатлари алоҳида ғайрат кўрсатмоқдалар. Улар ҳиссаси билан беш йилликнинг ўтган тўрт йили давомида катта меҳнат муваффақиятлари қўлга киритилди. Планга қўшимча 4 миллион сўмликдан кўпроқ саноат маҳсулотлари реализация қилинди. Салкам 56 минг сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. 43 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди.

Халқ депутатларининг ҳиммати яна ҳам баланд. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, Ҳамза номли колхоз аъзоси Қаноат Оққулова меҳнат қилаётган бригада аҳли бу йил 50 центнерлик марра учун курашаяпти.

«Пахтакорлар овози» газетасининг навбатдаги сонларидан бирида колхоз партия комитети секретари А. Юнусов коллектив ўртасида олиб борилаётган сиёсий-тарбиявий ишлар билан ўртоқлашган. Колхозчилар бу йил она-Ватанга 6400 тонна пахта топширишга сўз беришган. Шу кунларда олиб борилаётган барча идеология ишлари мажбуриятнинг тўла бажарилишини таъминлашга қаратилгандир.

ТАШАББУСГА КЕНГ ЙЎЛ

Коммунистик район Совети депутати «Политотдел» колхози участка мудири Валентин Кимни ҳамма ҳурмат қилади. У депутат сифатида ҳам, уста пахтакор сифатида ҳам кўпчиликка таниш. Участка пахтакорлари бу йил 400 гектар майдонда деҳқончилик қилишяпти. Ўтган йили улар гектар бошига 45 центнердан ҳосил олишган эди. Бу йил 50 центнерни мўлжаллаб туришибди.

Яқинда райондаги бир группа депутатлар КПСС XXVI съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш юзасидан қимматли ташаббус бошладилар. Улар орасида маиший хизмат комбинати ишчиси К. Шокаримова, «Коммуна» совхози бош чўпони С. Сейдаметов, Янгибозор луб заводи ишчиси Л. В. Темикова каби новаторлар бор. Улар ташаббуси **«Суръат»** газетаси саҳифаларида кенг ёритилди.



Комсомол аъзоси Рустам Хайдаров ўрта мактабни тугатгач бирлашмасига ишга келди. У тез орада ўстозн ликка касбини пухта ўзлаштириб олди. Суратда: коммунистик меҳнат зарбдори Р. Фалкин шогирди Р. Хайдаров ишини кузатмоқда.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

ЧЕВАРЛАР АҲДИ

Тикувчилик-галантерея фабрикасининг коллективи самарадорлик ва сифат беш йиллигининг якунловчи йилида зарбдор меҳнат қиляпти. Фабриканинг чевар тикувчилари доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига беш ойлик планни 111 процентга етказиб адо этишганди. Бундай юксак кўрсаткичларга эришишда Фотима Сеферова бошчилик қилаётган цех чеварларининг ҳиссаси катта. Фотиманинг бу даргоҳга келганига 23 йил бўлди. Янги ишга келган кезларида у ўзидан яхши тикувчи чиқишига ҳам унчалик ишонмаганди. Самарали меҳнат ўз натижасини кўрсатди. Фотима Сеферова бирнеча йилдан буён цех мастери, ишлаб чиқариш илғори.

Цех коллективининг бу йилги мақсадлари янада юксак. Чеварлар КПСС XXVI съезди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, якунловчи йил топшириқларини муддатидан 1 ой олдин бажаришга аҳд қилганлар. Аҳдига вафодор тикувчилар ўзаро мусобақалашиб, кунлик нормаларини 1,5 ҳисса қилиб бажаришяпти. Цехда ёш кадрларга касб ўргатишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ишга янги келган ҳар бир ёш доим бирон моҳир тикувчининг назорати остида бўлади.

Фотима Сеферованинг ўзи 30 дан ортиқ шогирд тайёрлади. Уларнинг кўпчилиги ҳозирги кунда мастер билан ёнма-ён меҳнат қилишаяпти. Дилором Ҳасанова, Ольга Жданова, Асия Сарбасова, Жўлар Худойберганова каби қўли гул чеварлар шулар жумласидандир.

Улкан мақсадлар йўлида самарали меҳнат қилаётган Фотима Сеферова ва унинг чевар қизлари кун сайин янги-янги зафар чўққилари сари дадил одим ташлашмоқда...

Н. ЎТЕГЕНОВ,
Ғалаба райони.

ТАЪСИРЧАН РЕЙДЛАР

Янгийўл мебель фабрикасига область комсомол прожектори штаби аъзолари келишди. Мақсад корхонада иссиқлик ва электр энергияси сарфиёти билан танишиш эди.

Рейд бригадаси аъзолари биринчи цехдаёқ анчагина нуқсон ва камчиликларга дуч келдилар. Куппа-кундуз куни чироқлар ёниб турарди. Компрессор қурилмаларидан иссиқлик энергияси чиқиб ётар, иккита станок бекордан-бекорга ишлаб турарди. Дераза ларнинг ойналари синиқ, булар фабрикада иссиқлик ва электр энергиясидан тежаб-тергаб фойдаланилмаётганлигини кўрсатиб турарди.

Шу куни корхонада жиддий гаплар бўлди. Рейд бригадаси аъзолари бошқа цехларда ҳам аҳвол бундан яхши эмаслигини, мебелсозлар иссиқлик ва электр энергиясидан фойдаланишга бефарқ қараётганликларини қайд этиб, камчилик ва нуқсонларни тезроқ бартараф этиш йўлларини кўрсатиб бердилар.

Шаҳардаги бошқа корхоналарда ҳам иссиқлик ва электр энергиясидан фойдаланиш қоникарсиз аҳволда эканлиги очиб ташланди.

Орадан анчагина вақт ўтди. Янгийўл шаҳар комсомол прожектори аъзолари рейдда очиб ташланган камчиликлар қандай тугатилаётганлигини назорат қилиб турдилар. Область комсомол прожектори штаби йиғилишларидан бирида шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари Р. Салимов корхоналарда рейдлар давомида аниқланган камчиликлар бартараф этилганлиги тўғрисида ҳисоб берди...

Ҳозирги кунда областимизда комсомол прожектори аъзоларининг сони 45 мингдан ошади. Улар саноат корхоналари, колхоз ва совхозларда тез-тез бўлиб, ўз фаолиятларини қўшимча резервларни излаб топиш, йўл қўйилаётган камчиликларни тугатиш, хўжасизликка қарши курашга йўналтирмоқдалар.

Область комсомол комитети область касаба союзлар совети билан ҳамкорликда халқ хўжалигида хом ашёдан, иссиқлик ва энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш билан шуғулланувчи махсус комиссияни ташкил этди. Бу ишга ёш ишчи ва хизматчиларни, комсомол прожектори аъзоларини кенг жалб қилиш бўйича перспектив план ишлаб чиқилган. Комиссия ҳар бир соҳада, ҳар бир ишлаб чиқариш коллективида иссиқлик ва электр энергиясидан тежаб-тергаб фойдаланишни йўлга қўйиш борасида катта ишлар олиб бормоқда.

КОМСОМОЛ ТУРМУШИ

— Яқинда Бекобод шаҳрида ўтказган рейдларимиздан бирида,— дейди область комсомол комитетининг инструктори, область комсомол прожектори штаби аъзоси О. Исмоилов,— 1980 йилнинг 1 кварталида цемент комбинатида 1733 киловатт-соат электр энергияси, 3000 тоннадан ортиқ ёқилғи исроф бўлганлиги аниқланди. Цемент тегирмонларининг носозлиги, хом ашё билан таъминлашдаги нуқсонлар, асбоб-ускуналар ўз вақтида профилактик ремонт қилинмаганлиги туфайли электр энергияси ортиқча сарф бўлган.

Ангрендаги керамика комбинатида ҳам шундай аҳвол юз берди. Кўплаб сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарилиши, профилактик ремонт муддатларига риоя қилмаслик туфайли 7350 киловатт-соат электр энергияси бекорга соврилган. Комсомол прожектори рейдлари шундай хўжасизликни тугатишга ёрдам бермоқда.

Автомобиль корхоналарида ташкил этилган комсомол прожектори штаби ва постлари ҳар бир ҳайдовчи учун махсус ведомостлар очишди, комсомол мажлисларида шоферлар ёқилғини иқтисод қилиш бўйича олган мажбуриятларини қандай бажараётганликлари ҳақида ҳисоб бериб бордилар.

Рейдларнинг таъсирчанлигини оширишда айниқса В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташсельмаш» заводи, Олмалиқ конметаллургия комбинати, Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида ташкил этилган комсомол прожектори штаби ва постлари самарали ишлаб олиб бормоқдалар. Улар маъмурият, партия ташкилоти, халқ контроли органларига нуқсон ва камчиликларга қарши курашда яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Область колхоз ва совхозларида ташкил этилган комсомол прожектори штаби аъзолари ҳам хайрли ишларни амалга оширишмоқда. Шу ойнинг бошида комсомол прожектори штаби мактабгача тарбияси сифатини текширди. Хўжаликлар бўйлаб ўтказилган рейдда 40 га яқин ёш қишлоқ хўжалик мутахассислари ва комсомол ходимлари иштирок этдилар.

Чиноз районидаги «Чиноз» наслчилик совхозининг З. Абдураҳмонов бошчилик қилаётган бригадада 20 гектар майдонни бегона ўт босиб ётган эди. Культивация ишлари жуда кечикиб бошланган. Шу райондаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозида дон учун экилган маккажўхорини суғориш графиклари бузилган.

Рейдлар давомида бошқа хўжаликларда ҳам «кадрабо дон» етиштиришдаги камчиликлар аниқланиб, уларни тугатиш йўллари белгилаб олинди. Штабнинг яқинда бўлиб ўтган мажлисида Чиноз район комсомол комитетининг биринчи секретари Э. Бердиев хўжаликларда қайта рейд ўтказилганлиги, биринчи текширишда аниқланган камчиликлар тугатилганлигини маълум қилди.

Комсомол прожектори штаби ва постлари халқ контроли органларининг яқин ёрдамчилари бўлиб келмоқдалар. Улар текширувлар, рейдлар ва бошқа тадбирларнинг таъсирчанлигини тобора оширмоқдалар. Прожекторчилар ёшларни ўнинчи беш йилликни муносиб якунлаш, партия XXVI съездини юқори кўрсаткичлар билан кутиб олишда социалистик мусобақани янада кенг қулоч ёйдиришга даъват этмоқдалар.

А. АБДУЛЛАЕВ.

ЭРТАГА—ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР КУНИ

ЭКОНОМИКАМИЗНИНГ ҚОН ТОМИРИ

...Темир йўлни шундай деб аташади. Ҳақиқатан ҳам бепоён мамлакатимизнинг турли чеккаларини бир-бирига улайдиган пўлат излар қон томирларни эслатади. У қанчалик бир маромда ишлаб турса, юкларни белгиланган манзилларга ўз вақтида элтиб борса, экономикамиз ҳам шунчалик бир текис ривожланади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда транспортнинг бу соҳасини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Темирйўлчиларимиз эса катта ғамхўрлик билан қуршаб олинган. Ҳар йили нишонланадиган анъанавий касб байрамимиз ҳам бунинг ёрқин намунасидир.

Тошкент темир йўл бўлинмаси областда юк ташиш бўйича етакчи роль ўйнамоқда. Жами юкнинг деярли 80 проценти вагонларда белгиланган манзилларга етказиб берилмоқда. Коллективимиз ўтган хўжалик йилида мижозларга транспорт хизмати кўрсатишни сезиларли даражада яхшилади. Асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар пландагига нисбатан анча ортиги билан адо этилди. Шунинг учун ҳам бўлинмамизга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзсовпроф ва республика комсомоли Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи берилди.

Унинчи беш йиллик бошидан бери бўлинмамизда юк жўнатиш 300 минг тоннадан кўпроқ ортди. Юк ташиш ҳажми эса 13 процент, пассажирлар ташиш сакқиз процент ошди. Кейинги вақтларда ҳар бир вагонга юк ортиш муттасил кўпайиб бормоқда.

Бўлинмамизда ишлаб чиқариш жараёнларини қайта ускуналашга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки, юк ташиш ҳажмининг кўпайиши, поездлар ҳаракатининг тезлашиши шуни тақозо этмоқда. «Қизил тўқимачи» станциясида стрелкаларни бошқариш анча такомиллашди, механизациялашган янги юк ҳовлиси фойдаланишга топширилди. Станциялардаги йўлларнинг узунлиги янада ошди. Айни вақтда темирйўлчиларнинг меҳнат шароитини яхшилашга қаратилган қатор тадбирлар ҳам амалга оширилди. Тошкент пассажир вагон депосида санитария-маиший комбинат, Шумилов юк ҳовлисида маъмурий-маиший корпус қад кўтарди. 27 минг квадрат метрдан ортиқ уй-жой майдони фойдаланишга топширилди. Ўтган беш йилликда 23 миллион сўмликдан кўпроқ капитал маблағ ўзлаштирилди.

«Унинчи беш йилликни зарбдор меҳнат билан якунлайлик!»— социалистик мусобақага қўшилган ишчи-хизматчиларимизнинг шиори бу. Ҳозирги вақтда беш йилликни муносиб якунлаш, ўн биринчи беш йилликни эса дастлабки кунлардан унумли меҳнат билан бошлаш учун умумколлектив ватанпарварлик ҳаракати авж олиб кетди. Социалистик мусобақада 62 корхона ва линиядаги станциялар коллективлари, 213 смена, цех ва участкалар, 1400 дан ортиқ бригада қатнашмоқда. 13 минггa яқин темирйўлчи эса шахсий мажбуриятлар олиб ишламоқда.

Бўлинмамиз корхоналарида коммунистик меҳнат коллективи ва зарбдори номини олиш учун кураш қизғин тус олиб кетган. Бу ватанпарварлик ҳаракатига ҳар йили кўплаб янги-янги ишчи-хизматчилар қўшилишяпти. 12 станция, 83 цех ва смена коммунистик меҳнат коллективи деган шарафли номга сазовор бўлган. Ишлаб чиқариш илғорларидан 6630 киши коммунистик меҳнат зарбдорлари ҳисобланади.

Мусобақалашаётган кўпгина коллективлар ва ишчилар зиммаларига олган мажбуриятларини шараф билан уддаламоқдалар. Тошкент пассажир-вагон депосининг темирчиси Назаров, слесарлардан Чижков, Шипилов, токарь Пиксаевлар ўнинчи беш йиллик шахсий нормаларини тўрт йилдаёқ бажариб қўйишди. Юк ортиш-тушириш ишлари механизациялашган дистанциясининг Огрин ва Адирматовлар раҳбарлик қилаётган бригадалар меҳнат календарида кейинги беш йиллик бошланганига бир йилча бўлиб қолди.

Социалистик мусобақа давомида янги-янги ташаббуслар пайдо бўлди. Тошкент



Михаил Антонович Смагин ўн етти йилдан буён Тошкент тепловоз депосида меҳнат қилиб келяпти. Пешқадам тепловоз машинисти пассажир ва юк поездларини ҳайдашда ёнилғи тежашга алоҳида эътибор беради. У 1980 йилнинг ўтган биринчи ярмида 6,5 тонна ёнилғи тежади.

И. Глауберзон фотоси.

тепловоз депосининг машинистлари А. Матвеев, Д. Фозилов, В. Журавлев, П. Навала иқтисодий тежамкорлик бўйича ташаббус билан чиқдилар. Улар ўз зиммаларига аниқ мажбуриятлар олишди ва ваъдаларини шараф билан бажармоқдалар. Беш йиллик ҳар бир йилининг сўнгги ойида иқтисод қилинган ёнилғи асосида ишлаш юзасидан бошланган бу ҳаракатни ўнлаб тепловоз машинистлари қўллаб-қувватлашди.

Бўлинмамизда мамлакатимиз темирйўлчилари бошлаган қимматли ташаббуслар иложи борича кенгроқ жорий қилинмоқда. Тошкент юк станцияси, шаҳар контейнер станцияси, механизациялашган юк ортиш-тушириш ишлари дистанцияси ва 2502-автоколонна коллективлари Одесса транспортчиларининг тажрибасини қўлламоқдалар. Бу коллективлар область ва шаҳардаги 800 дан ортиқ юк олувчи ва юк жўнатувчи мижозларга хизмат кўрсатмоқдалар. Юк ортиш ва туширишда «вагон-автомашина» ва «автомашина-вагон» прогрессив усулини қўлланиш тобора кенгайиб бормоқда. Ҳозирги вақтда бу усул юк оборотининг 41 процентигача етди. Бундан ташқари, Челябинск области саноат корхоналари ва Жанубий Урал темир йўли коллективларининг юк операциясини бажаришда вагонларнинг туриб қолишини камайтириш ҳақидаги ташаббуслари ҳам кўпгина издошларига эга. Ҳозирги вақтда умуман бўлинма бўйича бундай иш усулини 32 станция ва 64 саноат корхонаси коллективлари қўлламоқдалар.

Бундай прогрессив усуллар бўлинмада вагон оборотини тезлаштиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Шуни айтиш кифоя, йилимизнинг ўтган биринчи ярмида корхоналарга борадиган йўлларда вагонларнинг туриб қолиши ўтган йилда эришилган даражадагига нисбатан 1,3 соат камайди.

Бўлинмамизда ишлаб чиқаришнинг ички резервларини қидириб топиш ва юк ташишни такомиллаштириш масаласига катта эътибор берилмоқда. 1980 йилда республика автомобиль транспорти министрлиги билан шартнома тузилиб, унда қисқа масофага ташиладиган 341 минг тонна юкни темир йўлда эмас, бевосита автомобиль транспорти билан белгиланган манзилга етказиб беришга қарор қилинди. Ўтган биринчи ярим йилликда 3 мингдан ортиқ вагон талаб қиладиган юклар автомобилчилар томонидан ташилди.

Ишчи-хизматчиларимиз вагонларга юкларни зичлаб жойлаштиришнинг янги-янги имкониятларини ишга солмоқдалар. Шунинг учун ҳам кўмир, цемент, минерал ўғитларни вагонларга ортиш анча зичлашди. Натижада 800 вагон қўшимча юк ташиш учун ажратилди. Темир-бетон буюмларини ортишнинг зичланган схемасини қўлланиш ўтган биринчи ярим йилликда 300 платформани тежаб қолиш имконини берди.

Бўлинмамиз ҳозирги вақтда минглаб мижозларга хизмат маданиятини яхшилаш имконини берадиган бошқа омиллардан ҳам фойдаланиш учун қизғин изланиш олиб бормоқда. Беш йилликнинг сўнгги йилида тобора ортиб бораётган юк ва пассажир оқими эҳтиёжларини қондириш учун астойдил курашилмоқда. КПССнинг навбатдаги XXVI съездини чақириш ҳақидаги хушхабар барча совет кишилари қатори бўлинмамиз темирйўлчиларининг ҳам ғайратшижоатини янада оширибюборди. Республикамиз пойтахти темир йўлчилари ҳар кунни зарбдор, унумли меҳнат билан нишонланиши учун астойдил ҳаракат қиладилар, транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш борасидаги изланишларини тинмай давом эттирадилар.

З. ОЛИМЖОНОВ,
Тошкент темир йўл бўлинмаси бошлиғининг биринчи ўринбосари.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

4 АВГУСТ 10 АВГУСТ

4 АВГУСТ, ДУШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.45 — Гимнастика. 10.10 — Салом, Москва. Бадиий фильм. 11.45 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 12.25 — Испан қўшиқлари. 12.45 — 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.30 — В. А. Моцарт. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун 25-концерт. 17.05 — Уфқ. 18.05— Ямайканинг миллий байрами— Мустақиллик кунига. 18.45 — Сиз яратган боғ. 19.15 — Фильм-концерт. 19.30—КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олайлик. 20.00 — Халқ оҳанглари. 20.20 — Телеспектакль. 21.30 — Время. 22.05 — Ҳужжатли фильм. 23.05 — Дунё воқеалари. 23.20 — Концерт.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I

18.20 — Мультфильм. 18.25 — Тошкент ҳайвонот боғида ёз. 18.55 — Ёшлик. 19.30 — Ахборот. — 19.45 — Чотқол спектрлари. Телефильм. 19.55 — Ўзбекистоннинг навқирон балети. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Ноз-неъмат бунёдкори. 22.20 — Гулбаҳор. Бадиий фильм.

II

20.05 — Янгиликлар. 20.25— Мен дунё расмини чизяпман. 20.45— Ўзбекистонда Озарбайжон ССР адабиёти ва санъати кунлари ҳақида видеофильм. 21.40 — Дудинская синфи. Телефильм. 22.25 — Самарқанд давлат опера ва балет театри солистлари ўзбек композиторларининг операларидан ариялар ижро этадилар.

5 АВГУСТ, СЕШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Олға, болакайлар! 10.50 — Концерт. 11.20 — Мафтункор куз кунлари. Спектакль. 12.30 — 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.30 — Том Сойернинг саргузаштлари. Бадиий фильм. 17.55 — Жонажон табиат. 18.15 — Концерт. 18.45 — Анъаналар ва замонавийлик. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Ҳужжатли фильм. 19.40 — Кинотомошабин ҳамроҳи. 20.15 — Икки марта Қизил байроқли А. В. Александров номли совет Армияси қўшиқ ва рақс академик ансамблининг концерти. 21.30 — Время. 22.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. Динамо (Москва) — «Шахтёр» (Донецк). Танаффус пайтида дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I

11.30—Зумрад шаҳар сеҳргари. Спектакль. 1-қисм. 12.30 — Глиэр номли музика мактаби ўқувчиларининг концерти. 13.10 — Шеърият мухлисларига. 13.30 — Гулбаҳор. Бадиий фильм. 18.20 — Мультфильм. 18.25 — Камалак. 19.00 — Ахборот. 19.15 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Динамо» (Тбилиси). Танаффус пайтида ахборот. 21.15 — Чорвадор. 21.30 — Время. 22.00 — Ишга туширилаётган объектлар сафига. 22.20 — Берилмаган отпуска. Бадиий фильм.

II

20.05 — Янгиликлар. 20.25— Фильм-концерт. 20.50 — Ёшлик. 21.20 — Қайсин Кулиев. Телефильм. 21.50 — Ер ва одамлар.

6 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Ёшлар ижоди. 10.35 — Бўлинган осмон. Бадиий фильм. 2-серия. 11.40 — Концерт. 12.30 — Ҳужжатли фильм. 12.55 — 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.10 — Туркманистон ССРда хизмат кўрсатган халқ рақс ансамблининг концерти. 16.40 — Москва ва москваликлар. 17.10 — Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 17.40 — Поэзия. 18.20 — Е. Сорокина ва халқаро конкурс лауреати А. Бахчиев чалади. 18.40 — Киевлик мактаб ўқувчиларининг бадиий гимнастика бўйича жаҳон мутлоқ чемпиони И. Дерюгина билан учрашуви. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Мен бунга қотиллик деб атайман. 20.25 — Бўлинган осмон. Бадиий фильм. 3-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Эрмитаж. 22.35 — Дунё воқеалари. 22.50 — Санъат усталарининг концерти.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I

11.30 — Болалар учун академик слера ва балет театри солистлари ижросида опералардан ария ва дебютлар. 18.35 — Горнчилар, қаердасиз! 19.00 — Меҳнат — шон-шуҳрати байроқдорлари. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Адресимиз — Совет Иттифоқи. 20.25 — Бўлинган осмон. Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Ҳужжатли фильм. 23.00 — Дунё воқеалари. 23.15 — Қўшиқ ва халқ рақс ансамблларн Бутунроссия кўриги қатнашчиларининг концерти.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I

11.30 — Зумрад шаҳар сеҳргари. Спектакль. 12.30 — Фильм-балет. 12.45 — Берилмаган отпуска. Бадиий фильм. 18.20 — Қўғирчоқ фильм. 18.30—Тенгдошларинг ижоди. 19.00 — Фан программаси. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ёзувчи ва замон. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Дўстларимиз маслаҳати. 21.05 — Олтин водий қўшиқчиси. 21.30 — Время. 22.05 — Беҳаловат вақт. 22.30 — Ашаддий душман. Бадиий фильм.

II

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Ёнгиндан эҳтиёт бўлинг. 20.55 — Реклама. 21.15 — Терек — дўстлик дарёси. 22.05 — Врач маслаҳати. 22.20 — Ишчилар сафидаги шоирнинг ўрни ҳақида.

7 АВГУСТ, ПАЙШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Горнчилар, қаердасиз! 10.30 — Бўлинган осмон. Бадиий фильм. 1-серия. 11.35 — Халқ ижодиёти. 12.20 — Ҳужжатли фильмлар. 13.05 — 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Қишлоқдаги оддий иш кунлари. 16.20 — Ажралмас дўстлар. Бадиий фильм. 17.35 — Орлёнок. 18.20 — Москва комсомолининг ишлари. 18.50 — Мультфильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Фан олами. 20.15 — Совет композиторлари қўшиқларн мавзуида ёзилган фантазиялар. 20.25 — Бўлинган осмон. Бадиий фильм. 2-серия. 21.30— Время. 22.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Локомотив» — «Спартак». Танаффус пайтида дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I

11.30 — Қироллнинг янги либоси. Бадиий фильм. 12.30 — Кувноқлар даврасида. 13.00 — Ашаддий душман. Бадиий фильм. 18.20 — Болалар учун фильм-концерт. 18.45 — В. И. Ленининг «Демократик революцияда социал демократиянинг икки тактикаси» асари нашр этилганлигининг 75 йиллигига. 19.00 — Ёшлик. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Қрим павҳалари. 19.50 — Татар куйларидан концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси дуторчи қизлар ансамблининг концерти. 21.30 — Время. 22.00—Партия турмуши. 22.20 — Спектакль.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Яшил уй ҳақида ҳикоя. Телефильм. 21.00 — Беш йилликнинг якунловчи йилига — зарбдор меҳнатимиз. 21.30 — Сузиб юрадиган орол. 22.05 — Юрий Гуляев куйлайди. 22.20 — Серафим Фроловнинг муҳаббати. Бадиий фильм.

8 АВГУСТ, ЖУМА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Ёшлар ижоди. 10.35 — Бўлинган осмон. Бадиий фильм. 2-серия. 11.40 — Концерт. 12.30 — Ҳужжатли фильм. 12.55 — 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.10 — Туркманистон ССРда хизмат кўрсатган халқ рақс ансамблининг концерти. 16.40 — Москва ва москваликлар. 17.10 — Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 17.40 — Поэзия. 18.20 — Е. Сорокина ва халқаро конкурс лауреати А. Бахчиев чалади. 18.40 — Киевлик мактаб ўқувчиларининг бадиий гимнастика бўйича жаҳон мутлоқ чемпиони И. Дерюгина билан учрашуви. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Мен бунга қотиллик деб атайман. 20.25 — Бўлинган осмон. Бадиий фильм. 3-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Эрмитаж. 22.35 — Дунё воқеалари. 22.50 — Санъат усталарининг концерти.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I

11.30 — Болалар учун академик слера ва балет театри солистлари ижросида опералардан ария ва дебютлар. 18.35 — Горнчилар, қаердасиз! 19.00 — Меҳнат — шон-шуҳрати байроқдорлари. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Адресимиз — Совет Иттифоқи. 20.25 — Бўлинган осмон. Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Ҳужжатли фильм. 23.00 — Дунё воқеалари. 23.15 — Қўшиқ ва халқ рақс ансамблларн Бутунроссия кўриги қатнашчиларининг концерти.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I

11.30 — Зумрад шаҳар сеҳргари. Спектакль. 12.30 — Фильм-балет. 12.45 — Берилмаган отпуска. Бадиий фильм. 18.20 — Қўғирчоқ фильм. 18.30—Тенгдошларинг ижоди. 19.00 — Фан программаси. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ёзувчи ва замон. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Дўстларимиз маслаҳати. 21.05 — Олтин водий қўшиқчиси. 21.30 — Время. 22.05 — Беҳаловат вақт. 22.30 — Ашаддий душман. Бадиий фильм.

II

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Ёнгиндан эҳтиёт бўлинг. 20.55 — Реклама. 21.15 — Терек — дўстлик дарёси. 22.05 — Врач маслаҳати. 22.20 — Ишчилар сафидаги шоирнинг ўрни ҳақида.

9 АВГУСТ, ШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Концерт. 10.40 — Бўлинган осмон. Бадиий фильм. 3-серия. 11.45 — Ота-оналар, Сизлар учун. 12.15 — Спортлото. 12.30 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 13.05 — Москвичка. 14.15 — Бугун — физкультурачилар куни. 14.30 — Концерт. 15.00 — Эрмитаж. 15.30 — Дунё воқеалари. 15.45 — Ҳайвонот оламида. 16.45 — Ҳинд оҳанглари. 17.30 — Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати. 18.10 — Антоний ва Клеопатра. Фильм-спектакль. 21.30 — Время. 22.05 — Футбол бўйича СССР кубоги. «Динамо» (Тбилиси) — «Шахтёр» (Донецк) Кўрсатув тугагач янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Миниатюралар театри. 10.55 — Концерт. 11.35 — Ҳужжатли фильм. 11.50 — Сахро сири. Спектакль. 12.40 — Тренер. Бадиий фильм. 14.30 — Кинередакция почтасидан. 18.10 — Мультфильм. 18.30 — Концерт. 19.10 — В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг 60 йиллигига. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Оламга саёҳат. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ҳамза номли республика Давлат мукофотининг лауреати, Ўзбекистон ССР халқ артисти О. Худойшукуров ва Қорақалпоғистон АССР халқ артисти Р. Бозорбоева концерти. 21.30 — Время. 22.05 — Дўстларимиз маслаҳати. 22.20 — Инсонни ардоқланг. Бадиий фильм. 1-серия.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.10 — Душанба кўрсатувлари.

10 АВГУСТ, ЯКШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Зарядка га сафланинг. 10.05 — Концерт. 10.25 — Будильник. 10.55 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 11.55 — Здоровье. 12.40 — Тонгги почта. 13.10 — Қишлоқ янгиликлари. 14.10 — Музикали киоск. 14.40 — Қизил ва қора. Бадиий фильм. 15.45 — Бугун — Қурувчилар куни. 16.00 — Табрикларимизни қабул этинг. 16.55 — Ҳужжатли фильм. 17.30 — Концерт. 18.10 — Мультфильм. 18.30 — Халқаро панорама. 19.15 — Киносаёҳатчилар клуби. 20.15—Қорабайир изидан. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Концерт. 23.05 — Ҳужжатли фильмлар. Кўрсатув тугагач янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Пойтахтимиз меҳмонлари. 10.50 — Ҳужжатли фильм. 14.05 — Дилдан куйлаб, ўйнаб қувнаб. 12.05 — Қувноқ стартлар. 13.05 — Салом, болалар. Бадиий фильм. 14.25 — Шаҳмат мактаби. 14.55 — Реклама. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Бойчечак. 19.00 — Бугун — қурувчилар куни. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Миниатюралар театри. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Оламда нима гап? 22.35 — Стартда — Ўзбекистон ёшлари.

II

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Абадий дўстлик. 20.50 — Буюк зафарлар йили. 21.20 — Очиқ дарс. 22.10 — Москва —муҳаббатим менинг. Бадиий фильм.

ЭРОНДАГИ АҲВОЛГА ДОИР

ТЕҲРОН, 31 июль. (ТАСС). Бу ерда ҳукуматга қарши яқинда бўлган фитнада қатнашганликда айбланаётган шахсларнинг ишларини тергов қилиш давом этмоқда. Чиқарилган ҳукмларга биноан бугун эрталаб яна ўн бир фитначи қатл этилди. Шундай қилиб, мавжуд тузумни ағдаришга уринган деб айбланиб, қатл этилганлар жами сони 36 кишига етди.

Эрон матбуоти собиқ шоҳнинг ўлимини шарҳлашда давом этмоқда. Бу ўлимга Американинг махсус хизмат маҳкамалари даҳлдор деб кўрсатмоқда. Америкалик спецагентлар шоҳни йўқ қилиш билан Эроннинг АҚШга қўйётган талабларини ҳам йўқотамиз, деб ўйлаган бўлсалар, катта хато қилган бўладилар, деб ёзади «Жумҳурия исломий» газетаси. Шоҳнинг ўлими Эроннинг америкалик жосусларни суд қилиш ва жазолаш аҳдига ҳеч бир таъсир кўрсатмайди. Газета Америка маъмуриятини соғлом фикр юритиб, шоҳ талаган бойликларни Эрон халқига қайтаришга, Эрон инқилобига қарши иқтисодий бойкот, фитначилик ва қўпорувчилик фаолиятини тўхтатишга даъват этади.

«Кейҳан» газетаси собиқ шоҳнинг қисмати барча диктаторлар ва эксплуататорлар учун сабоқ бўлмоғи кераклигини ҳам уқтиради.



Жанубий Африка Республикасида каттапалар билан баравар болалар ҳам ирқий камситиш сиёсатининг қурбонига айланишган. Бу ерда африка болалари оқлар орасида аллақачон тугатилган касалликлардан, аввало тўйиб овқат емасликдан ва энг зарур тураржой шаронти йўқлигидан кўплаб ҳалок бўлиб кетмоқдалар. Суратда: ирқчилик тузуми қурбонлари.

ТАСС фотохроникаси.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ХЕЛЬСИНКИ РУҲИ ЯШАМОҚДА

ЕВРОПАДА хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган Хельсинки кенгашида кеча беш йил тўлди. 1975 йилнинг 1 августи Европа тарихида алоҳида ўрин тутади... «1975 йил 1 август туш пайтини эслаганимда тўлқинланиб кетаман,—деди ўртоқ Л. И. Брежнев 30 июнь куни эълон қилинган «Правда» редакцияси саволларига жавобларида. — Ушанда «Финляндия» конгресслар саройида Европадаги 33 давлат, АҚШ ва Канаданинг раҳбарлари бир стол теварагида ёнма-ён ўтириб Якунловчи актга имзо чекқан эдилар. Бу кун халқлар учун улуғ орзу-умидлар куни бўлган эди. Бу кун, шунингдек, истиқболга реалистик қараш куни бўлди. Истиқбол беш йилдан ёки ўн йилдан кейин қандай бўлади, деган ташвиш ҳам бор эди».

... Ҳа, орадан беш йил ўтди. Чиндан ҳам Европа ва бошқа қитъаларда мазкур кенгашдан сўнг халқаро вазият қандай бўлди!

КПСС ва Совет ҳукумати ҳамиша бўлганидек ленинча тинчлик, кескинликни юмшатиш ва қуролсизланиш сиёсатини изчиллик билан давом эттирди. Бундай сиёсат натижасида турли ижтимоий тузумга мансуб давлатларнинг ўзаро тинч-тотув яшаш принциплари ишлаб чиқила бошланди, Англиянинг собиқ бош министри У. Черчилляннг Фултонда сўзлаган нутқидан кейин вужудга келган «совуқ уруш» жазаваси аста-секин пасая бошлади. Европа давлатлари ўртасидаги сиёсий алоқалар янги изга тушди, ўзаро манфаатли мулоқотлар, шунингдек, узоқ муддатга мўлжалланган муносабатлар ривожланди.

Хельсинки кенгашидан кейин Совет Иттифоқи ташаббуси билан иқтисодий алоқаларнинг янгича шакллари қарор топа бошлади. Ғарбий Европадаги бир қанча мамлакатлар билан ўнлаб битимлар тузилди. Эндиликда капитализм дунёси билан қиладиган ҳорижий савдомизнинг тўртдан уч қисми Германия Федератив Республикаси, Франция, Италия, Бельгия, Испания сингари Европа мамлакатлари зиммасига тўғри келади.

1978 йил баҳорида Югославия пойтахти Белградда 35 давлат намояндаларининг учрашуви ўтказилди. Бу учрашув Хельсинки ахдномаларини ривожлантириш йўлида ўзига хос ижобий қадам бўлди. Совет Иттифоқи бу ерда ҳам халқлар ўртасида ҳамжиҳатлик ва дўстликни мустаҳкамлашга, кескинликни юмшатишни тобора чуқурлаштиришга қаратилган амалий таклифлар программасини ўртага ташлади.

Бироқ, 70-йилларнинг охири ва 80-йилларнинг бошларига келиб асосан Америка империалистларининг айби билан халқаро вазият жиддий равишда қалтислаша бошлади. Социализм позицияларнинг тобора кучаяётганлиги, турли қитъаларда воқеликка айланган миллий-озодлик ҳаракатларининг ғалабалари, эрксевар кучларнинг ўз мавқеларини кун сайин мустаҳкамлаётганлиги уруш қўзғоқ доираларнинг кўнглига мос бўлиб тушмади. Шундан кейин улар жаҳон миқёсида таркиб топган ҳарбий мувозанатни ўзлари фойдасига ўзгартишга урина бошладилар.

Бунда гап, энг аввало, НАТО ҳарбий блокининг аъзолари бўлмиш Ғарбий Европа мамлакатлари территориясида Америкаиинг ўртача олисликка мўлжалланган термоядро қуроллари хусусида боради. Бундай қуроллар бевосита СССР ва ўнкнг иттифоқчилари чегарасига яқин жойларда ўрнаштирилмоқчи. Америкаиинг ҳарбий стратеглари Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларни ядро қуроли элтувчи самолётлар, ракеталар ва сувости кемаларн билан қуршаб ташлашни ўз олдиларнига мақсад қилиб қўйганлар.

Шу орада Америкаиинг Ж. Картер, З. Бжезинский, Р. Браун каби раҳбарлари «Хитой картаси»нн чапдастлик билан ўйнашга киришиб кетдилар. Алқисса, улар Пекин экстремистларини Вьетнам, Лаос ва Кампучияга қарши гижгижлай бошладилар. Буннинг оқибатида Хитой уялмай-нетмай Вьетнамга бостириб кирди ва унинг «таъзирини бериб қўймоқчи» бўлди. Бироқ, мақтанганнинг бурни олдини қонайди, деганларидек, Хитой босқинчиларн тумшуғидан ўта қаттиқ зарба еднлар ва иккинчи бор бундай номақбул ишни ўйлашиб қиладигаи бўлиб, изларига қайтдилар.

Энди Хитой гегемончиларн ўз навбатида даврага япон милитаристларнни тортиш ниятида шу мамлакатга танда қўйиб қолдилар. Яқинда Япония бош министри М. Охиранинг дафн маросимини баҳона қилиб Токиога борган Ж. Картер, ўлик бир ёнда қолиб, Хуа Гофен билан учрашди. Улар яна эски нғволарни давом эттиришди.

Урта ва Яқин Шарқ можаролари ҳам тобора авжига чиқмоқда. Америка империализмнинг орқа қилган исроиллик агрессорлар қатор араб мамлакатларининг қонуний ерларини босиб олиб, у ерлардан чиқиб кетишни ҳатто хаёлларига ҳам келтирмаётирлар. Вашингтон маъмурияти мустақил Афғонистон ишларига қўпол равишда аралашишни давом эттирмоқда. АҚШнинг Марказий Разведка Бошқармаси Эроннинг ағдариб ташланган собиқ шоҳи Муҳаммад Ризо Паҳлавийни Қоҳирапинг Маъди ҳарбий госпиталида амаллаб гумдон қилган бўлса ҳам Картер ва унинг хомийлари ўтмишдаги ўзларининг қабиҳ қилмишлари учун эрон халқи олдида узр сўрамаётирлар. Киндик қони тўкилган ерларидан кувғин қилинган фаластин араб халқи кўз ёшларининг уволи ҳам Исроил сионистлари билан баббаравар америкалик империалистлар гарданига тушиб турипти.

Совет Иттифоқи жаҳон миқёсидаги ҳозирги аҳволни юмшатиш мақсадида яна бир дадил қадам қўйди. СССР ГДР раҳбарлари билан келишиб, Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар билан маслаҳатлашиб, марказий Европадаги совет қўшинлари сонини бир томонлама қисқартиришга ва бир йил ичида ГДР территориясидан 20 минг аскарни, мингта танкни, шунингдек, муайян миқдордаги ҳарбий техникани олиб чиқиб кетишга қарор қилди. Бу иш 1979 йил 5 декабрида бошланган эди. 1980 йил 1 августида шу қарор тўла-тўкис адо этилди.

«Ҳозирги вақтда энг муҳим вазифа, — деди ўртоқ Л. И. Брежнев «Правда» редакцияси саволларига жавобларида, — Умумевропа кенгашида қатнашган давлатлар вакилларининг Мадриддаги учрашувини мақбул тарзда ўтказиш ва уни салмоқли натижалар билан якунлашдан, Европада ҳарбий кескинликни юмшатиш ва қуролсизланишга бағишланган конференция чақирилишини таъминлашдан иборатдир. Совет Иттифоқи шу ҳар иккала анжуман ишига муносиб ҳисса қўшишга тайёрдир».

Р. УМАРОВ.

ХАЛҚАРО ОБЗОР

Давлатлараро фикр алмашувларнинг умидбахш натижалар бераётганлигини инобатга олиб, Умумевропа кенгашида қатнашган мамлакатлар вакилларининг навбатдаги учрашувини 1980 йил куз фаслида Испания пойтахти Мадридда ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилишди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● **НЬЮ-ЙОРК.** АҚШ президенти Ж. Картернинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш ниҳоятда бўшашиб, энг паст даражасига етди. Эй-Би-Си телекомпанияси билан Луис Харрис хизмати биргаликда ўтказган кейинги жамоат фикрини сўраб билиш натижалари шуни кўрсатдики, сўралганларнинг 77 проценти Картернинг президент лавозимидаги фаолиятига салбий баҳо бермоқда.

● **ТОКИО.** Бангкокдан олинган хабарларга қараганда, Таиланд бош министри Прем Тинсуланон парламентда нутқ сўзлаб, ҳарбий ҳаражатларни анча кўпайтириш зарурлигини айтган. 1981 молия йили (шу йилнинг октябрида бошланади) давлат бюджети лойиҳасида ҳарбий мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар ҳиссаси қарийб 20 процентни ёки салкам 1,4 миллиард долларни ташкил этади.

МОСКВА — 1980 ЙИЛ

ОЛИМПИАДА КУНДАЛИГИ

«ТЕЗРОҚ, ЮҚОРИРОҚ, КУЧЛИРОҚ»

Эртага Москвадаги В. И. Ленин номли Марказий стадионда XXII Олимпиада ўйинлари тантанали равишда ёпилади. Шу куни майдонга фақат чавандозлар тушишади. Улар сўнгги 203-комплект медал учун кураш олиб борадилар. Бугун ҳал қилувчи мусобақалар бўлади. Ғолибларга 20 комплект Олимпиада совриндори топширилади. Ўтган куни эса олимпиадачилар 11 комплект медални ўзаро бўлашиб олдилар.

ЧИМ УСТИДА ХОККЕЙ. Аёллар ўртасидаги спортнинг бу тури биринчи марта XXII Олимпиада ўйинларида программага киритилди. Хоккейчи қизлар бахсида Олимпиаданинг биринчи ғолиби Зимбабве командаси бўлди.

Финалда Чехословакия хоккейчилари устидан ғалаба қозонган Африка қитъаси вакиллари бош совриндор эгаси бўлдилар. Учинчи ўринни эса Ҳиндистон командаси қизлари устидан 3:1 ҳисобида ғалаба қозонган СССР терма командаси эгаллади.

Олимпиаданинг бронза совриндорлари орасида тўрт республикамиз вакиллари бор. Таниширинг, мана улар: мамлакат чемпиони — «Андижанка» командасининг етакчи ўйинчилари: Нелли Горбаткова, Валентина Заздравних, Лайло Ахмерова, Алина Хам. Ўтган кунги мусобақалардан сўнг республикамиз вакиллари ҳисобида 3 олтин, 3 кумуш ва 4 бронза медали бор.

КАМОНДАН ОТИШ. Олимпиада медалларига даъвогарлик қилаётганлар орасида республикамизнинг вакили — тошкентлик Наталья Бутузова ҳисобланади. Аёлларнинг мерганлик бахсида икки кундан сўнг тбилисилик Кекеван Лосаберидзе ва Наталья Бутузовалар пешқадамлик қилишмоқда.

БОКС. Бокс ишқибозларининг орзиқиб кутган кунлари ҳам етиб келди. Бугун финал бахслари бўлиб ўтади. Москва Олимпиадасида етти совет спортчиси ҳозиргача ўзини камида кумуш медал билан таъминлаб қўйди. Бугун рингга 48 килограммгача вазнлилар бахсида Ш. Собиров, 51 килограммгача вазнлилар бахсида В. Мирошниченко чиқадилар. Чарм қўлқоп усталаридан В. Демьяненко, (60 килограммгача вазн категориясида), С. Қўноқбоев (63,5 килограммгача вазн категориясида), А. Кошкин, (71 килограммгача вазн категориясида), В. Савченко (75 килограммгача вазн категориясида)лар ҳам олтин медаль учун кураш олиб боришади. Спорт ихлосмандлари 81 килограммдан ортиқ вазн категориясида СССР вакили П. Заев ва Куба спортчиси Т. Стивенсон ўртасида бўладиган бахсни алоҳида қизиқиш билан кузатадилар.

«КУМУШ» КЕТИДАН «ОЛТИН»

Одатда спортчилар биринчи бўлиб чиқишни ёқтирмайдилар: кейин чиққан киши рақибини кўздан кечириб, унинг камчиликлари ўзида такрорланишига йўл қўймайди. Лекин тошкентлик чавандоз Юрий Ковшов чиққан қуръадан тап тортмади. У от юргизиш катта соврини мусобақаларини очиб берди ва шундай юриш қилдики, рақибларининг кўплари ҳижолатга тушиб қолди.

Юрий Ковшовнинг Игрок деган оти чавандознинг киши сезмайдиган имо-ишора ва командаларини дарҳол сезиб, уларга итоат қилиб турди.

ГДР, Дания, Нидерландия, Швеция, колумбиялик беш судья якдиллик билан баҳо қўйдилар: 311 дан 333 баллгача баҳо қўйилди (олий баҳони швециялик арбитр Густав Ниблеус қўйди). Хуллас 1588 балл йиғилди.

Юрий Ковшов ўзининг асосий вазифасини бажарди: Совет командаси дарҳол ўз рақибларидан 300—400 балл олға кетди. Командадаги ўртоқлари — минскдик Виктор Угрюмов (чунончи, у ҳам тошкентдаги чавандозлик мактабининг тарбияланувчиси) 1541 ва киевлик Вера Мисевич 1254 балл билан бу муваффақиятни мустаҳкамладилар. Натижа 4383 балл бўлиб чиқди.

Шундай қилиб, совет чавандозлари саккиз йилдан сўнг — Мюнхен Олимпиадасидан кейин яна чемпион бўлдилар. Уларга «олтин» медаллар топширилди.

Юрий Ковшов Ўзбекистонлик чавандозларнинг шонли анъаналарини шу тахлитда давом эттирди. Бу муваффақиятга унинг ўртоқлари ва мураббийлари ҳақли равишда шериқдирлар. Булар орасида бундан чорак аср муқаддам болани отга миндирган отаси Александр Никитович Ковшов биринчи навбатда туради. У ўғлини бошқа шогирдларидан ардоқламади — ҳаммага бирдай талабчан бўлди, билим ва таржибаларини барчага баробар ўргатди. Юрий эса шогирдлик ва фарзандлик бурчини муносиб бажо келтирди.

...Юрий Ковшов программани тугатиб, бошидан шляпасини олди ва таъзим бажо келтириб, майдондан виқор билан чиқиб кетди, сўнгра ерга сакраб тушиб, содиқ отининг бўйинини қучоқлаб олди. Игрок эса одатича бошини чавандозинг елкасига қўйди. Мухбирлар ва ҳаваскорларнинг бир неча минг фото камераси уни шу алпозда суратга туширди.

Т. ГОЛУБКИНА, Е. ЕФИМОВ,
ЎзТАГ махсус мухбирлари.

ҲУРМАТ ШОҲСУПАСИДА

● ЧАВАНДОЗЛИК. КАТТА совриң учун команда биринчилиги. СССР командаси. (Виктор УГРЮМОВ, Вера МИСЕВИЧ, Юрий КОВШОВ).

● ЧИМ УСТИДА ХОККЕЙ. АЁЛЛАР. ЗИМБАБВЕ командаси.

● ЭРКИН КУРАШ. 57 КИЛОГРАММГАЧА вазн категориясида. Сергей БЕЛОГЛАЗОВ (СССР). 68 КИЛОГРАММГАЧА вазн категориясида. Сайфулла АБСАЙДОВ (СССР). 82 КИЛОГРАММГАЧА вазн категориясида. Исмоил АБИЛОВ (Болгария). 100 КИЛОГРАММДАН ортиқ вазн категориясида. Сослан АНДИЕВ (СССР).


● ДЗЮ-ДО. 65 КИЛОГРАММГАЧА вазн категориясида. Николай СОЛОДУХИН (СССР).

● ЕНГИЛ АТЛЕТИКА. ЭРКАКЛАР. 3 минг метрга тўсиқлар ошиб югуриш. Бронислав МАЛИНОВСКИЙ (Польша). ЭРКАКЛАР. Молот иргитиш. Юрий СЕДИХ (СССР). АЁЛЛАР. Узоқликка сакраш. Татьяна КОЛПАКОВА (СССР).

● ҚИЛИЧБОЗЛИК. ЭРКАКЛАР. Шпага. Команда биринчилиги. ФРАНЦИЯ командаси.

СУРАТЛАРДА: ҳурмат шоҳсупасида 400 метрга ўтказилган югуриш мусобақасида ғолиб бўлган биринчи совет спортчиси В. Маркин ва унинг рақиблари — кумуш совриндор австралиялик Р. Митчелл ва бронза совриндор ГДР вакили Ф. Шаффер; оғир атлетикачи С. Раҳмонов ҳам Олимпиада олтин медалини қўлга киритди.
А. Абаза ва Е. Усленский фотолари.





Реклама ва эълонлар

БУНИ ҲАР КИМ БИЛИШИ КЕРАК!



Бугунги кунда ҳаётимизни электр асбобларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Улар ишлаб чиқаришда ва рўзғордa кишиларнинг энг яхши ва ишончли ёрдамчилари бўлиб қолди, лекин электр асбобларидан фойдаланаётганда электр хавфсизлиги қоидаларига аниқ риоя қилиниши керак.

ШУНИ УНУТМАНГ! ЭЛЕКТР ТОКИ — БУ ТИЛСИЗ, РАНГСИЗ ВА ҲИДСИЗ ХАВФ!

Электр токидан зарар кўрмаслик учун токни уэмай туриб электр симларини улаш, включателлар, розеткалар, лампа ўрнатиладиган патронлар ва бошқа электр асбобларини тузатиш, шунингдек уларни чанг ва доғдан тозалаш, ванна хоналари, омборхоналар, гараж, ҳовли ва бошқа жойларни ёритиш учун қўлбола тайёрланган электр лампаларидан фойдаланиш ман этилади.

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

Электр қувватидан фойдаланишда хушёр ва эҳтиёт бўлишни унутманг. Болаларга электр хавфсизлиги қоидаларини тушунтиринг.

Болаларга штепсель розеткалари ёнида ўйнашга, розетка ичига сим ва бошқа нарсаларни тиқишга рухсат берманг.

Болаларга электр симлари ўтган жойларга, трансформатор подстанцияларига чиқишга, электр сими атрофида варрак учиришга рухсат берманг.

Болаларга булар электр токи билан зарарланишга олиб келишини тушунтиринг.

ДИҚҚАТ! ҲАЁТ УЧУН ҲАВФЛИ:

Электр токи симига қўл уриш ҳамда ток берадиган жойга ток бор-йўқлигини билиш учун қўл теккизиш;

узилган электр симларига ва осилиб қолган электр симларига 8 метрдан яқинроқ келиш;

ёритиб турган арматурани ҳўл қўл билан ушлаш;

уйдан ёниб турган электр асбобларни, узайтирилган лампа ва радиоприёмникларни ташқарига олиб чиқиш.

Бу қоидаларни бузиш бахтсиз ҳодисаларга ва электр токидан зарарланишга олиб келади!

Агар бирон бир бахтсиз ҳодиса юз берса, дарҳол жабрланувчини қутқазишга киришинг.

Уни ток таъсиридан ажратиб олинг. Бунинг учун электр уланган жойни ўчиринг, шитдаги пробкани буранг ёки қуруқ ёғоч билан симни узиб ташланг. Бунда токдан ўзингиз зарарланиб қолмасликка ҳаракат қилинг: оёққа калиш кийинг; қўлингизга қуруқ мато ўраниг, оёқ остига қуруқ тахта қўйинг.

Шундан сўнг зудлик билан «Тез ёрдам» чақиринг. «Тез ёрдам» келгунга қадар сунъий нафас олдиринг ва кўкрак қафасини уқаланг.

«УЗЭНЕРГОСБИТ» «УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

Янги шеърлар

Амирқул ПЎЛКАН.

И Ў Л Ч И

Саҳролар сесканди унинг сасидан,
Йўловчи йўлларда чарчади, толди.
Офтоб урар эди пешонасидан,
Манзилга етмаёқ юролмай қолди.
Баҳорни кўрди у, ёзни ҳам кўрди,
Қишда ҳам қорларни қилмади писанд.
Кузда-ку, у фақат бетин йўл юрди,
Ва лекин умридан бўлмади хурсанд.
Қараса — йўл узоқ: боғ кўп, саҳро кўп;
Қараса — манзилдан ҳануз йўқ нишон.

У бир дам ўйлади: тўхтама, йўқ, йўқ,
Манзилга етмаса инсонмас инсон!
У яна саҳронинг қўйнига кирди,
Мақсадга етмоққа қасд қилди чоғи.
Ногаҳон... ногаҳон чашмани кўрди,—
Йўлчининг нақадар ортди чанқоғи.
У энди: чашмага етсам бас, деди,
Чашмага етмоқдан не эди маъни?..
Бир қултум сув унинг матлаби эди,
Бир қултум сув эди унинг армони!

* * *

Полвонмасман — ҳар ким ҳам билар,
Лек ўзимга етар ғайратим.
Хафа бўлмам йиқилсам агар,
Йиқитсам ҳам ошмас шуҳратим.

Қани, дўстим, қўлингни бергин,
Зеро, чоллар айтмиш бир гап:
«Полвон бўлсанг — кўтариб ургин,
Полвон бўлсанг — чалмасдан йиқит!»

С Е Н И Ў Й Л А Б

Сени ўйлаб оқарар туним,
Багрим ёнар... кўнглим ҳам хира.
Тундек сиёҳ кўзларинг сенинг
Кўз ўнгимдан кетмайди сира.

Мен кўнглимга ёлворгум: «Унут!
Ишқни энди қилма юз-хотир!..»
Кўнглим дейди «қўй, ўзингни тут,
У ҳам сени туш кўраётир!...».

Т О Р Т И Қ

Ёрим дўппи кийдирди,
Бошинг омон бўлсин, деб.
Синглим чопон кийдирди,
Танинг роҳат қилсин, деб.

Отам ёв-ла жанг қилди:
Ўғлим даврон сурсин деб.
Онам белбоғ боғлади,
Эгилмасдан юрсин деб...

ТУШ ВА ТАШВИШ

Олам гўзаллиги — Қуёшдан...
Одам ҳаётини қуёшдан бошлар...
Мен қуёш эканман, бир бошдан
Кўпайиб борарди қуёшлар.
Ой ҳам кўпаяди, Қуёш ҳам,
Ўзгаради Юлдуз олами,

Иссиқдан ловуллаб ёнади хонам,
Олов кўйдиради танамни...
Зотан, шу пайт жуда соғинаман,
Булутлар кўз ёши — ёмғирни.
— Ёмғир, — дейман, унга сиғинаман.
— Асра, — дейман оташдан Ерни...

ОТАМ НАСИҲАТИ

Ўғлим, руҳинг бўлмасин эзгин,
Сўнг адашиб юрма, мабодо —

Шоир бўлсанг тузуклаб ёзгин,
Мерган бўлсанг — ургин беҳато!

БЕНЗИН КОЛОНКАЛАРИДАГИ ҚАЛЛОБЛАР

Шаҳар кўчаларига бир назар ташланг-а. Рангоранг машиналар тизимининг чеки йўқ. Турли маркадаги енгил машиналар кенг, равон кўчаларга узукка қўйилган ёқут кўздек ярашиб кетади. Машиналар маркаси, кимники бўлишидан қатъий назар, юриб-юриб бензин қуйиш станцияларига келади, кўпинча турнадек тизилиб қолишади. Ана шунда бензин берувчиларнинг қўли-қўлига тегмайди, баъзилари шу қадар эпчил, шу қадар тезкорки, бир зумда ҳам «ёғлайди», ҳам «доғлайди».

Халқа йўл бўйидаги 2-бензин қуйиш станциясининг оператори Хастилла Қосимов ҳам ана шундай эпчил, уста йигитлардан. Бу ерга машина қанча кўп келса, унинг учун шунча яхши. Чунки бензин машиналар бакига оқса, текин даромад унинг чўнтагига оқади.

Мана, навбатдаги машина эгаси Хастиллага салом бериб, талон узатди. Хастилла ўзгача виқор билан сўзсиз «алак» олган бўлди. «Бораверинг», дегандек вазминлик билан яна бошини кимирлатиб қўйди. У шундай салобатли, мансабдор кишиларнинг салом беришию ўзининг уларга бош қимирлатиб қўйишидан ғурурланиб қўяди.

У талонни кесиш ўрнига столнинг тешигига тиқиб қўяқолди. Бир лаҳзада саккиз сўм ўз ҳисобига ўтди.

— Акажон, бизга йигирма литр...

Хастилла имтиҳон олаётгандек синовчан назар ташлайди. Шофер йигит шифокордан нажот сўраётгандек жовдирайди. Унинг қарашида наҳотки бензин тугаган бўлса деган хавотир ҳам бор. Хастилла «бораверинг» дегандек бош қимирлатиб қўяди. Шофер эса бензин бакини тўлғазиб олганидан хурсанд. Хастилла Қосимов бўлса олдига бўйин эгиб келган мусичадек беозор кишиларни қуппа-кундуз куни бақрайтириб туриб алдайди-қўяди, яна улардан раҳмат эшитганига беш кетади-да.

У ҳамкасби Таниса Мираҳмедова билан навбатчилик қиларкан, мижозларни яна қандай шилишни ўйларди. Қаранг-а, 115 литр АИ-93, 421 литр А-76, 625 литр А-72 бензин талонларини ҳисобдан чиқаришмади. Пулга чақинг-чи, энди? Бир сменанинг баҳосини билиб оласиз.

Роҳат кўли ёнидаги 13-бензин қуйиш станциясининг операторлари Сайфулла Шарипов ва Мурод Содиқбековлар Хастилла билан тенгдош. Ўттиз ёшнинг нари-берисида. Лекин уларнинг «юксак маҳорати» олдида Хастилла ип эшолмайди.

Сув тўғонга оққандек бензин қуйиш станциясига келаётган машиналарнинг оқими уялмайди. Биров талон узатади, яна кимдир «қуйворинг!» деб қичқириб қоладп. Мурод билан Сайфулла асти шошишмайди. Бир чўқиб атрофга ўн қарашади. Иш сип-силлиқ кетаяпти.

Сайфулла бугунги иш кунидан жуда мамнун. Бел яна ҳам бақувват бўладиганга ўхшайди. Ҳисобдан чиқарилмаган, ҳали охори тўкилмаган талонлар қатқат.

Шу пайт бензин литрларини кўрсатадиган кўрсаткичлар бир зум тўхтаб қолди. Ана шу дақиқалар ҳаром қўллар ишига қўйилган нуқта бўлди. Жойида муз котган кўрсаткичлар Сайфулла Шарипов ва Мурод Содиқбековнинг қинғир ишларини қийғирини кўрсатиб турарди. Иштаҳанинг карнайлигини қаранг-а: 1120 литр АИ-93, 950 литр А-76, 1520 литр А-72 маркали бензин талонлари ҳисобдан чиқарилмабди.

Сайфулла Шарипов ва Мурод Содиқбеков унчамунчага тан берадиганлардан эмасди. Талонларни ҳам ҳеди чиқмайдиган қилиб гумдон қилишган-да. Бу соҳада «бой тажриба»лари бор. Биров кўза ҳар куни эмас, кунида синади.

16-бензин қуйиш станцияси шаҳримизнинг шимолий — шарқ массивида жойлашган. Бу ер ҳам доимо гавжум. Айтишларига қарабензин талони ҳисобдан чиқарилмади?

— Ҳа, энди қолиб кетибди, хотирда йўқ, айб биэда, бошқа такрорланмайди, — хотиржам дейди Рихсибой Иброҳимов.

Ана сизга жавоб. 1283 литр бензин талони хотирда йўқ эмиш. Рихсибойнинг икки қўлидаги қора енг унга дадиллик бағишлаётгандек эди. Енгни ечишни сўрадик. Шундагина унинг ранги бўздек оқара бошлади. У аввалига «иложи»ни қилишга ҳаракат қилди. Лекин чорасини қила олмагач, қора ишга яраган қора енг уни қора курсига стаклагандек бўлди, ана шу топда ҳаромдан орттирган молдунё ҳам кўзига кўринмай қолди.

Ҳали бу ҳангоманинг ҳаммаси эмас. Бир четда Рихсибой Иброҳимовга қарашли 41—97 ТНФ номерли «ВАЗ-2106» «Жигули» шай бўлиб ялтираб турарди. Машина салонини қараганимизда 460 сўм пул топилди. Машина ичида чўрик, яғири чиққан иш қўлқопи ётарди. Унга ҳаммасининг кўзи тушганда Рихсибой кўзини олиб қочди. Қўлқопни олдик. Бир сўмлик, уч сўмлик, беш сўмлик ғижимланган пуллар ўринди қа ювалаб тушганда Рихсибой ўзини қўярга жой тополмай қолди.

— Ғижимланган пуллар сизникими?

— Йўқ, билмайман... ҳайронман, мен қўймаганман, — синиқ товуш билан деди у.

— Машинангизнинг калити ёнингиздамиди?

— Ҳа, ўзимда. Лекин бу пулларни билмайман. Кимдир ташлаб кетипти.

Ажабо, ҳудди афсонадек гойибдан тушган тилсимнинг ўзи. Кимдир Рихсибой Иброҳимовнинг машинасига эски қўлқопга пул тўлғазиб ташлаб кетган эмиш. Балки ўша одамлар «пул қочиб кетмасин», деб ғижимлаб ҳам қўйишгандир. Қўлқоп билан ёнма-ён республика маданият министрлигига қарашли «Узспецстроймонтаж» бошқармасининг бензин талонларига қўйиладиган муҳри ётарди. Қўлбола № 2, № 3 рақамлари эса бу ишнинг бир-икки куни эмас, кўпдан бери давом этаётганини исботлаётгандек эди...

Биз колонкалардаги бензинингг ҳисоб-китобини қилганимизда 1353 литр АИ-93, 159 литр А-76 маркали бензин етишмаслигини аниқладик. 91 килограмм АС-8 мойи эса ортиқча чиқди.

Бензин қуйиш станцияларида билиб туриб сувни лойқалаштиришнинг бошқа турлари ҳам бор. Улар бензинни бензинга аралаштиришни ҳам ўзлаштирганлар. Шу куни рейдда тепасига АИ-93 деб ёзилган бензин колонкаларидан мунча олдик. Текшириш натижаларп АИ-93 маркали бензин тозалиги 3-станцияда 72 процент, 12 ва 14-станцияларда 75 процент, 4-станцияда 80 процент эканлиги аниқланди. Демак, бир хил тоза бензинга 20—28 процент миқдорида бошқа хил бензин қўшилган.

Бу билан қанчадан-қанча енгил машиналарнинг двигателларига путур етказишга «холис хизмат» қилишган. Бензин колонкаларидаги давлатга тегишли маблағ нишабини ўз чўнтакларига буриб юборган қаллоблар ана шу «холис хизмат»ларига яраша жазо оладилар.

Рейд бригада аъзолари.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАСИНИНГ ҚЎШМА РЕЙДИ

Редактор
Н. НАСИМОВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.35 — Олимпиада кундалиги. 10.10 — Моҳир қўллар. 10.40 — Тасвирий санъатда спорт. 11.15 — «Ералаш» болалар ҳажвий киножурнали саҳифаларида. 11.50 — Молдавия ССРда хизмат кўрсатган давлат академик «Жок» халқ рақс ансамблининг концерти. 12.40 — Олимпиадада поэзия куни. 13.50 — Мультфильмлар. 14.20 — Дунё воқеалари. 14.30 — Ҳаво-десант қўшинлари 50 ёшда. 14.40 — Концерт. 15.20 — Сибсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский суҳбати. 15.50 — Спортлото. 16.05 — Байрам цирк программаси. 17.35 — Олимпиада кундалиги. 17.55 — XXII Олимпиада ўйинлари. 21.30 — Время. 22.00 — XXII Олимпиада ўйинлари. 00.30 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Миниатюралар театри. 11.10 — Танбур ва сато наволари. 11.50 — Ўзбекистон, Олимпиада йўлида. 12.20 — Кинопублицист экрани. 13.10 — Кичик темирйўлчилар. 13.40 — Осмондан тушган бешкиши. Бадиий фильм. 15.05 — Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак. 18.20 — Болалар учун концерт. 19.00 — Табиатга муҳаббат. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Цирк, цирк, цирк. 20.30 — Ахборот. 20.50 — «Шодлик» ансамблининг солисти Ғ. Ёқубов ва Навоий номли давлат академик Катта театрининг солисти Н. Урозова концерти. 21.30 — Время. 22.00 — Пахтакорнинг шу кунги муҳим вазифалари. 22.15 — Шиддат. Бадиий фильм.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

17.25 — Душанба кўрсатувлари.

ДОИМИЙ ИШГА

бухгалтер, корректор, склад мудири, тарбиячи, муновачилар ва уларга шогирдлар, созловчи-слесарь, автопогрузма ҳайдовчи, аккумуляторларни зарядловчилар, қоғоз қирқувчилар ва уларга шогирдлар, газ пайвандчи, стереотипёрлар ва уларга шогирдлар, контролёрлар, ёрдамчи ишчилар, фаррошлар, қоровуллар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, кадрлар бўлими.

Тошкент область ижроия комитетининг юстиция бўлими ўрта Чирчиқ район халқ судининг раиси А. Позиловга онаси

Умри МИРХАЛИЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334803, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир — 325894.

Р. 14066. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64833. Б. 1660.